



2020 у «12» октябр

№ Қ-1582

« » 20 г

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони ҳамда вилоят ҳокимининг 2020 йил 8 октябрдаги Қ-561-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида**

Вилоятда рақамли индустрияни жадал ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони ҳамда вилоят ҳокимининг 2020 йил 8 октябрдаги Қ-561-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони билан “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегияси тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Қуйидагилар:

“Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида 2020-2022 йилларда Сурхондарё вилоятини рақамли трансформация қилиш дастури 1-иловага мувофиқ;

“Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегияси доирасида 2020 йилда Сурхондарё вилояти Шўрчи туманини рақамли трансформация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш “Йул харитаси” 2-иловага мувофиқ;

“Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегияси доирасида 2021 йил чоракда Сурхондарё вилояти Ангор туманини рақамли трансформация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш “Йўл харитаси” 3-иловага мувофиқ;

“Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегияси доирасида Сурхондарё вилоятида 2020 йилда қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги соҳаларини рақамли трансформация қилиш бўйича устувор лойиҳаларни амалга ошириш “Йўл харитаси” 4-иловага мувофиқ;

“Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегияси доирасида Сурхондарё вилоятида 2020 йилда транспорт, қурилиш, уй-жой коммунал хўжалиги ва бошқа соҳаларини рақамли трансформация қилиш бўйича устувор лойиҳаларни амалга ошириш “Йўл харитаси” 5-иловага мувофиқ;

“Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегияси доирасида Сурхондарё вилоятида 2021 йил I чоракда транспорт, қурилиш, уй-жой коммунал хўжалиги ва бошқа соҳаларини рақамли трансформация қилиш бўйича устувор лойиҳаларни амалга ошириш “Йўл харитаси” 5а-иловага мувофиқ;

“Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегияси доирасида Сурхондарё вилоятида 2020 йилда таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, маънавият ва жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш соҳаларини рақамли трансформация қилиш бўйича устувор лойиҳаларни амалга ошириш “Йўл харитаси” 6-иловага мувофиқ;

“Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегияси доирасида Сурхондарё вилоятида 2021 йил I чоракда таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, маънавият ва жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш соҳаларини рақамли трансформация қилиш бўйича устувор лойиҳаларни амалга ошириш дастури ба-иловага мувофиқ;

Сурхондарё вилоятидаги тармоқлар ва ҳудудларни ахборот технологиялари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналарига бириктириш 7-иловага мувофиқ;

Сурхондарё вилоятида 2020-2022 йилларда “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” 8-иловага мувофиқ;

Сурхондарё вилоятида Электрон давлат хизматларини кўрсатишни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури 9-иловага мувофиқ;

“Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича вилоят мувофиқлаштириш комиссияси таркиби 10-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги ижро учун қабул қилинсин.

4. Туман ҳокимининг тармоқлар бўйича ўринбосарлари (М.Қултаев, С.Исаев, Қ.Алматов, Н.Алланазаров, А.Рахманкулов, З.Хидирова), тумандаги барча давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари билан биргаликда:

ҳудудлар ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурлари, “йўл харита”ларида кўзда тутилган лойиҳа ва чора-тадбирларнинг тўлиқ ҳажмда амалга оширилишини таъминлашни, шунингдек, уларнинг ўз

вақтида бажарилишини тизимли назорат қилсин;

доимий мониторинг асосида электрон давлат хизматларини кўрсатишни янада такомиллаштириш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятидаги функционал жараёнлар ва тартиб-таомилларни оптималлаштириш бўйича чоралар кўрсин;

рақамли иқтисодиёт соҳасидаги янги лойиҳаларни кўриб чиқиш ва уларни амалга ошириш тўғрисида қарорларни қабул қилиш, шунингдек, зарур ҳолларда ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурлари ҳамда “йўл харита”ларига тайёрланган ва келишилган лойиҳа ҳужжатлари асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқсин.

5. “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича вилоят мувофиқлаштириш комиссияси (Р.Пардаев) уч кун муддатда 2 та намунавий туманларда рақамли трансформация қилиш “йўл харита”ларини амалга ошириш бўйича қуйидагиларни назарда тутган ҳолда ҳудудий ишчи гуруҳларни шакллантириши:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармасининг масъул раҳбарларини тегишли туманларга бириктириши;

ҳар ўн кунликда ишчи гуруҳлар томонидан қабул қилинган рақамли трансформация қилиш “йўл харита”ларида назарда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлиги ва жойларда ўтказилаётган тадбирларнинг амалий аҳамиятини баҳолаши;

ихтисослаштирилган олий ўқув юртлари ва рақамли технологияларни ўқитиш марказлари негизида вилоятдаги барча давлат органлари ва ташкилотлари, Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимларининг масъул раҳбарларини ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров